

ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ЯСАШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Андижон давлат чет тиллари институти
413-гурух талабаси - Махмудова Дилноза*

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларгинг ҳосил қилиниша компонент ўзакларнинг бирикиш йўллари ва сўз туркуми тизимида тутган ўрни ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилишга ҳаракат қилган. Бунда муаллифнинг диққат марказида қўшма отлар асосий тадқиқот материали сифатида ўрганилган. Мақолани тайёрлаш жараёнида муаллиф инглиз ва ўзбек тилшуносларининг қарашларига танқидий ёндошган ва ўз мулоҳазаларини дадил баён қилган. Мақола инглиз ва ўзбек тили лексикологиясини ўрганувчилар учун фойдали бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: қўшма сўз, сўз туркуми, сўз ўзаги, сўз негизи, жуфт сўзлар, қўшма от, қўшма феъл.

В данной статье автор старается излагать свои взгляды о формировании, семантике и функционировании т.н. сложных слов в английском и узбекском языках. В центре внимания автора находятся сложные существительные и сложные глаголы. При классификации сложных слов автор опирается на мнения ведущих специалистов английского и узбекского языкознания и анализирует их мнения с критической точки зрения. Статья представляет интерес для изучающих английскую и узбекскую лексикологию.

Ключевые слова: сложные слова, сложное существительное, сложный глагол, корень слова, основа слова, парные слова, сложные части речи.

This article is devoted to the comparative study of formation, functioning and semantics of the so-called compound words in Modern English and Uzbek. The author paid special attention to the nature of compound nouns and verbs, the way they are joined as well as the way they denote definite notions. In his investigation the author relies on the opinion of the leading specialists of the English and Uzbek linguistics and applies them critically. The article may be of interest for learners of the English and Uzbek morphology and lexicology.

Key words: compound words, compound nouns, compound verbs, the root, joint words, etc

Сўзлар функционал-стилистик гурухларга ажратилган ҳолда ҳам ўрганилади. Тил лугат составидаги сўзларни нутқнинг конкрет кўринишларга хосланганлигига кўра маълум системали гурухларга ажратиб ўрганиш тилшуносликда кенг тарқалган усуздир. Сўзларнинг нутқнинг конкрет

кўринишларига хосланиши тил луғат составининг составининг мураккаб лингвистик муносабатлар системаси эканлигидан далолат берувчи муҳим белгидир. Бундай хосланиш услубий талаблар, эхтиёжлар натижасидир, конкрет нутқий жараёнлар, изҳор этилаётган мақсад, нутқ сўзланаётган жараён, нутқ сўзланаётган шароит, нутқ эгасининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, муайян тарихий давр, нутқ формаси, коммуникация ва бошқалар сўзловчи олдига маълум талабларни қўяди. Бу талаблар нутқнинг мазмуни ва шаклини белгилайди. Нутқнинг характеристига қараб конкрет нутқа хос лингвистик воситалар танланади ва коммуникация жараёнида ишга солинади. Мана шундай танланиш тилнинг фонетик-интонацион, морфологик-синтактик, шунингдек, лексик-семантик доираларни кенг қамрайди. Нутқнинг конкрет тили шаклланишида лексик бирликларни ўринли танлаш муҳим аҳамиятга эгадир¹. Тилнинг амалдаги конкрет холати индивидуал нутқий фаолиятлар, вазиятлар шаклида мавжуд бўлсада, аслида ушбу кўп сонли индивидуал нутқлар кўриниши ҳам тилнинг маълум умумий қонуниятларига амал қиласи. Умумхалқ нутқи, яъни ижтимоий нутқий жараёнларда амал қилувчи бундай қонуниятлар индивидуал нутқий фаолият кўринишларининг маълум типик холатларга, йўналишларга бирлашишини қўрсатади. Бундай йўналишлар сўзлаш услублари, яъни нутқ услублари деб аталади. Нутқ услублари тил системасининг конкрет коммуникатив холатдаги, яъни нутқ шаклидаги турли-туман функционал кўринишларидир. Шу туфайли нутқнинг бундай кўринишлари функционал услублар деб ҳам юритилади. Тил луғат составидаги сўзларнинг нутқ услубларига алоқаси турли даражада бўлади. Тилда шундай сўзлар борки, улар келтирилган нутқ услубларининг барчасида ёки кўпчилигига баббаравар қўлланаверади.

Одатда бундай лексемалар умумуслуб сўзлари ёки услублараро сўзлар деб юритилади: **сув, нон, оқ, мен, сен, у, бир, икки, беш, юрмоқ, турмоқ, емоқ, ишламоқ** каби. Аммо тилдаги барча сўзлар келтирилган лексемалар каби унверсал характерга эга эмас. Тилдаги кўпгина сўзлар маълум нутқ кўринишгагина хос бўлиб, бошқа нутқ кўринишида ишлатилмайди ёки ишлатилса ҳам муҳим ўрин тутмайди. Келтирилган функционал услуб кўринишлари ўзбек тили луғат составидаги сўзларга муносабати, алоқадорлик даражасига кўра фарқланади. Тил лексик системасига хос мана шундай хусусиятлар луғат составидаги сўзларни иккига бўлиш имконини беради:

- 1) услубий хосланмаган сўзлар
- 2) услубий хосланган сўзлар

¹ Баскаков Б.А. Содиқов А.С. Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик, Т., 1989 йил

Услубий хосланмаган сўзлар умумуслуб характеридаги сўзлардир. Услубий хосланган сўзлар хар бир конкрет функционал услубнинг узи учун хос лексемалардир. Булар икки хил бўлади:

- а) конкрет услубнинг ўзигагина хос сўзлар:
- б) кўпроқ ўша услубда қўлланувчи, ушбу услубни характерловчи сўзлар.

Демак, услубий хосланган сўзлар маълум услуб доирасида чегарали қўлланувчи ва ўша услубни характерловчи сўзлар системасидир². Мана шу хусусиятларига кўра услубий хосланган сўзлар ўзбек тилининг услубий чегараланган лексикаси деб хам юритилади. Ўзбек тили луғат составидаги сўзларни функционал услубларга хослиги жиҳатидан қуйидаги групкаларга ажратиш мумкин:

1) китобий услуб лексикаси. Бунга сўзларнинг қуйидаги групкалари киради:

- а) илмий-техникавий терминлар:
- б) расмий-идоравий услуб сўзлари:
- в) матбуот ва илмий-оммабоп адабиётларга хос лексика:
- г) бадиий проза лексикаси:
- д) шеърият лексикаси ва хоказо.

Келтирилган тип сўзлар сўзлашув услубининг адабий сўзлашув кўриниши учун ҳам хосдир.

2) сўзлашув услуби лексикаси. Сўзларнинг бу групка мансуб кўринишлари қуйидагилар:

- а) оддий сўзлашувга хос диалектизмлар:
- б) оддий муомилага оид сўзлар:
- в) лексик элиптизмлар:
- г) сўзларнинг эркалаш-кичрайтиш шакллари ва уларнинг турли кўринишлари:
- д) сўзларнинг қисқариш йўли билан ясалган шакллари:
- е) сўзларнинг оддий сўзлашув услубига хос кўчма маъноларда қўлланадиган кўринишлари:
- ё) эвфемизмлар:
- ж) эркалов сўзлари:
- з) дағал ва қўпол сўзлар, яъни, вульгаризмлар:
- и) жаргонлар:
- й) **профессионализмлар:**
- к) оддий сўзлашув услубига хос тургун иборалар, сўзга teng баъзи синтактик қурилмалар ва хоказо.

² Қаранг: Хожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Т., Фан. 1963.

Сўзларнинг функционал стилистик гурухлар (услубий қатламлар)га тасниф этган ҳолда ўрганиш тил луғат составини ўзаро алоқадор бўлган лугавий бирликлар тарзида тадқиқ этишнинг энг самарали усулидир³.)

Сўзлар социал-дифференциал белгиларга кўра ҳам тасниф этилади ва ўрганилади. Тилдаги сўзлар ўз реал ҳаётини конкрет индивидуал нутқий жараёнларда маълум колективнинг, социал гурухнинг ўхшаш шароитлари, нутқий ҳолатларида ўтайди. Касб-кори, ижтимоий шароити, социал қарашлари яқин бўлган кишилар гурухининг тилга муносабати, тилдаги сўзларни танлаш ва қўллаш хусусиятлари ўхшаш томонларга эга бўлади. Улар сўзларни ўз нутқий эҳтиёжларига кўра танлаб ишлатадилар ва сўзларга янги маъно, функционал йўналиш берадилар, зарур бўлиб қолганда янги сўзларни ихтиро қиласадилар⁴. Шунинг учун ҳам тилдаги сўзлар ижтимоий гурух ва табақалар нутқига (тилига) мослашиб боради. Бир қатор сўзлар гурухи умум учун баравар хизмат қиласа ва барча учун тушунарли бўлса, бошқа бир гурух сўзлар эса фақат маълум ижтимоий гурух, табақа коллектив нутқигагина хос ўша доирадагина қўлланувчи ва тушинарли бўлган лексемаларга айланади. Бундай сўзларнинг қўлланиш доираси тор. Чунончи, диалектуал лексикка ва диалектизмлар ана шундай сўзлардир. Диалектизмлар маҳаллий сўзлар, вилоятлар сўзлари деб ҳам юритилади. Диалектизмлар кўпроқ бирор диалект ёки шева эгалари доираси учун тушунарли эканлиги билан умумистеъмол сўзлардан ажralиб туради. Ҳар бир шевада маҳаллий аҳолининг хўжалиги, турмуш тарзи, тарихи ва этнографияси билан bogliq bўlган sўzlar гурухи бўлади. Диалектизмлар диалектологияга оид тадқиқотларда, маҳсус диалектал луғатларда тўпланади ва изоҳланади.

Сўзларнинг келтирилган тасинифи, асосан от категориясига тегишли бўлиб, ўзбек тилидаги отлар мана шу усулда маҳсус тадқиқ қилинган. Лекин мазкур усулнинг маълум нуқсонлари ҳам мавжуд. Бу таснифнинг изчил принцип ва белгиларга асосланганлигидадир. Юқоридаги таснифда 1,2 гурух семантик гурухга асосланилади, аммо буларнинг ҳар иккиси 3-гурух турдош отлар гурухига ҳам киради. Таснифдаги 3, 4 гурух отлар семантик белги (принцип)дан ташқари номинацион (номлаш, аташ) мезонига таянади. Турдош ва атоқли отлар таснифида бу ҳол аниқроқ кўринади. Бу ҳол келтирилган тасниф принципида муайян изчиллик йўқлигини кўрсатади.

³ Қучқортов И. Сўз валентлиги хакида, Узбек тили ва адабиети, 1973. 3-сон, 32-37 б.; Салиев И.С Категориальная семантика существительного и прилагательного. Т. 1985.

⁴ Республикализ парламентида ўтказилган ислоҳотлар туфайли тилимизга кириб келган «спикер, сенат, сенатор» каби сўзларга эътибор беринг.

Сўзларни тарихий-этимологик гурухларга ажратиш йўли билан ҳам ўрганиш мумкин. Бу усул тил лугат составини ташкил этувчи лугавий бирликларнинг генетик манбаларини, яъни сўзнинг аслида қайси тил элементи эканини аниқлашга имкон беради. Тил лугат составидаги тарихий-этимологик қатламларни белгилаш, яъни сўзларни асл генеологик манбаларига кўра гурухлаш илмий нуқтаи назаридан маълум қимматга эгадир. Ўзбек тили лексикасини тарихий-этимологик гурухларга ажратиш бу тил лугат составини бойитган этиология-генеология манбаларни билиб олиш нуқтаи назаридан, шунингдек ўзбек тилининг ўтмишда қандай тиллар таъсирида бўлгани, қандай тиллар билан тўқнашганини ва алоқада бўлганини аниқлаш, белгилаш нуқтаи назаридан ҳам муҳимdir. Сўзларни тарихий-этимологик қатламларга ажратиш лексикани системаси сифатида ўрганиншнинг муҳим усулларидан биридир. Сўзларни тарихий-этимологик қатламга ажратиш лексикани система сифатида ўрганиншнинг муҳим усулларидан биридир. Сўзларни тарихий-этимологик нуқтаи назаридан гурухлаш усули ҳозирги тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган бўлса ҳам лингвистик маънодаги қатлам ва лугавий қатлам тушунчалари маълум илмий аниқликларни талаб қиласди.

Юқорида кўриб ўтилган тилни таҳлил қилишнинг турли усул ва тамойилларини қиёслаб кўриб, унинг таркибини бойитадиган энг муҳим усуллардан бири тилнинг ички резервлари асосида янги сўзлар ташкил қилиш орқали тил лугат составини кенгайтириш тилни ўрганувчилар учун энг ҳодиса эканига ишонч ҳосил қилдик ва уш бу тадқиқотимизда қиёсланаётган тиллардаги қўшма сўзларнинг моҳиятини очиб беришга жазм қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов F., А. Сайфуллаев, X. Рустамов. Она тили. Т., 1995.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. М.-Литература на иностранных языках., 1959.
3. Ахманова О.С. К вопросу об отличие сложных слов от фразеологических единиц. Труды ИЯ., т.1У, М., 1954.
4. Иванова И.П.. О принципах анализа сложного слова в английском языке. В сборнике “Исследования по английской филологии. ЛГУ, 1965, №3, 7-бет.
5. Мешков О.Д. Словосложение в современном английском языке. - М.: Выс.школа, 1985.
6. Р.С. Гинзбург, С.С. Хидекель, Г.Ю. Князева, Ф.Ф. Санкин. Лексикология английского языка. М., 1979. (A Course in Modern English Lexicology. М., 1979.
7. J. Buranov, O. Muminov. Practicfl course in Modern English Lexicology.. Т.,1990.
8. Muxammadjonovich A. M. JINOYAT VA JINOYAT-PROTSESSUAL QONUNCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 892-894.